

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИДА ФОНЕМАЛАРНИНГ НУТҚДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (БАДИЙ АСАРЛАР МИСОЛИДА)

Жиззах Давлат Педагогика Университети ўзбек тили ўқитиши
методикаси дотц. А. Мусаев
ўзбек тили ва адабиёти факультети
2-курс магистранти А. Кувватов.

Аннотация: Ушбу мақолада сўзлашув услубида фонемаларнинг нутқда ўзига хос хусусиятлари ҳақида. Ҳар бир услубнинг ўзига хос хусусияти у ёки бу хил алоқа жараёнидаги тил вазифасидан келиб чиқади. Тилнинг вазифаси фонетик, лексик, морфологик ва синтактик белгилар воситасида рўёбга чиқади. Тилнинг вазифавий услублари, умумхалқ жонли тилининг тарихан шаклланган бир кўриниши бўлиб унда тилнинг асосий вазифаси номоён бўлади.

Калит сўзлар : Фонетика, сўзлашув услуби, семантика, синтаксис, Ассимляция ҳодисаси

Кириш: Тилшунос М.В.Панов сўзлашув нутқининг адабий тил доирасидаги тил, адабий тилнинг адабий нутқий услуб кўринишларидан бири деб тушунган. Ушбу услуб адабий тилнинг бошқа услубий кўринишларидан ўзига хос материали ва нормаси билан ажралиб туради¹. Адабий сўзлашув нутқи марказий ва маҳаллий жойларда кенг халқ оммасининг фикрлашиш куроли сифатида хизмат қиласар экан, у маъум даражада, чегарали ҳолда бўлса-да, маҳаллий шевалар билан алоқага киришади. Натижада турли жойларда адабий сўзлашув тилининг айрим ўзгачаликлар қасб этган муайян қўринишлари юзага келади. Бундай нутқда шева таъсири, яъни хусусиятлари аста-секин системали-даврий характер олади. Аммо шунча қарамасдан адабий сўзлашув нутқи ўзининг умумадабий белгисини сақлайди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, шева таъсирида адабий сўзлашув нутқи кўпроқ фонетика ва лексика соҳасида ўзгаришга учрайди².

Нутқ сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши бўлиб, у фақатгина тилга боғлиқ ҳодиса саналмасдан, у ҳам руҳий, ҳам эстетик ҳодисадир. Шунинг учун унга намунавий нутқ сифатида баҳо берилганда тингловчи ва китобхонга кўзда тутилган мақсаднинг, айтилмоқчи бўлган муддатнинг тўлиқ етиб бориши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади ҳамда бу вазифаларнинг амалга оширишида нутқ олдига айрим талаблар қўйилади.

Сўзлашув услуби ҳам бошқа вазифавий услублар каби фонетик, лексик грамматика ўзига хосликларга эга. Нутқда товушларнинг уйғунлашуви (кетти, оттан, йигичча), бир товуш ўрнида иккинчисини талаффуз қилиниши (трактир,

зарил, биронта), товушларнинг ўрни алмашиши (турпок, айналмоқ), товушларнинг ортирилиши (ўрамол, фикир, банка), туширилиб қолдирилиши (газет, бурни, эгни) каби фонетик ҳодисалар, авало, сўзлашув услубида намоён бўлади³.

Сўзлашув услубининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ўзига хослик нутқ кечеётган шароит билан белгиланиб, шу шароит асосида нутқнинг мазмуни, вазифаси ва нутқ қурилиши шаклланади⁴.

Демак, услубий меъёрлар тил меъёрларининг айнан ўзи эмас, балки уларнинг функционал меъёридир. Услубий меъёр тил меъёрлари билан бир қаторда турмайди. Тилнинг фонетик, орфоэпик, график, морфологик, синтактик, лугавий, семантиқ, сўз ясаш меъёрлари таркибида ҳар бир функционал услугуб алоҳида белги танланади. Шунга кўра, уларни шу услугга тегишли воситалар деб қарайди. Натижада услублар тил меъёрида хилма-хилликни юзага келтиради. Услубий меъёрларнинг ўзига хос бундай хусусиятларини юзага келтирувчи омиллардан бири эркинликдир. Эркинлик натижасида услубий меъёрлар доирасида адабий меъёрдан четга чиқиши ҳоллари юз беради. Бу ҳолат услублар тизимида адабий бўлмаган воситаларнинг мавжудлигида, жумладан, адабий меъёр деб тан олинмаган элементлар, адабий меъёрга айланмаган янги окказионал қўлланишлар, аниқ услубни тавсифлай олмайдиган ва бошқа услугга хос элементлар борлигига кўринади.

Сўзлашув нутқи услубида сўздаги фонемаларнинг товуш таркиби қисқариши, номукаммаллиги нутқ аъзоларининг ишини осонлаштиради.

Шу сабабли талаффузнинг содда ва енгил бўлиши бир қанча усулларга унли ва ундош товушларнинг ҳар хил комбинатор ва позицион ўзгаришларига боғлиқ. Бу ўзгаришлар сўз шаклларининг қисқаришига сабаб бўлади.

Сўзлашув нутқида фонемалар қуидагича хусусиятларга эга бўлади:

1. Ўзбек тилида кўп қўлланадиган сўзларнинг артикуляцияга учраши:

Шундай уйга қандай қилиб кўзи уйнаган болани обарасиз (олиб борасиз)! (Н.Исмоилов. Мафия сардори). Одаммас (одам эмас) экансан, сўтак! – деди ва эшикни қарсиллатиб очиб чиқиб кетди (Н.Исмоилов. 19-б). Агар сен бўлмасанг, мен яшолмайман (яшай олмайман). (Н.Исмоилов. 35-б).

2. Ассимляция ҳодисасининг бошқа товуш тасирида товушнинг сўздаги ўзгариши: -Унда манавидан (мана будан) яна биттадан ичайлик, ҳар қалай, бардам бўламиз, - деб Фароғатга қадаҳларни винога тўлдирди. (Н.Исмоилов. 12-б). -Гадойларни боқадиган жой эмас булар, киссангиз (кистангиз) пулинг бўлмаса, ичишга бало борми? (Н.Исмоилов. 24-б). Менга қара, бола пақир, бозорга кириб чиққунимга (чиққанимча) машинига қараб тур (Т.Малик. иблис.девори. 10-б).

3. Элизия ҳодисасига кўра, олдинги унли туширилади: - Войдод! – деди Хонзода уйдан ташқарига югуриб чиқаркан (чиқар экан) Н.Исмоилов. 3-б). – Онажон, ичимсиз, ҳозир ўзим телефон қилмоқчи бўлиб турувдим (турган эдим). (Н.Исмоилов. 7-б). Бойлигингизга бойлик қўшиларкан (қўшилар экан), жавоб қилди Соҳибнинг хотини (Н.Исмоилов. 7-б).

4. Диарез ҳодисасида учраган сўз таркибидаги бирор товуш туширилади: - Тинглика-да дугон (дугона) уйингда бўлсанг қимирамай тур, ҳозир етиб бораман. Хўпми? (Н.Исмоилов. 25-б) Шоҳруҳ ғўлдираб тушункисиз (тушунмайдиган) товуш чиқарди (29-б).

Бадий адабиёт тилидаги фонетик ўзгаришлар асосан матнда товушларнинг қисқарган ва орттирилган ҳолатлари образлар нутқида кўп кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, бу услубларда грамматик шаклларнинг турли адабий – меъёрий вариантларида қўлланилса, аксинча, бадий услубда бу грамматик шаклларнинг барча кўринишлари-лаҗжа ва тарихий вариантлар ҳам асарнинг мавзу талаби билан қўлланаверади.

Бадий услубда адабий тил бойликларидан, диалектизмлардан фойдаланибина қолмасдан, ундаги кўплаб бирликларнинг тилда меъёрлашувига, адабий тилнинг бойиб, ривожланиб боришига доимий равища да таъсир ўтказиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Hozirgi o‘zbek tilining so‘zlashuv uslub.B. O‘rinboyev, Toshkent 1991
- 2.So‘zlashuv nutqi uslubida innovatsiyaning o‘rni A. Musayev
- 3.O‘zbek adabiy tilining me’yori va nutq madaniyati A. Musayev